

Энергия ресурсларининг нархи нега ошмоқда?

Иқтисодий ишлаб чиқариш учун бу ресурсларнинг аҳамияти жуда долзарб ҳисобланади. Шу боис мамлакатимизни узлуқсиз равишда табиий газ ва электр энергияси билан таъминлашга устувор вазифа сифатида қаралади. Аслида мазкур энергия манбаларининг асл таннархи аҳолига сотилаётганидан анча банд ҳисобланади. Масалан, 1 киловатт/соат электр энергияси ишлаб чиқариш учун 450 сўм сарфланмоқда. Шунингдек, 1 куб метр табиий газни қазиб чиқариш ва қайта ишлаш 751 сўмни ташкил этади. Шунини эътиборга олиб, давлатимиз томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимоясини ташкил этиш мақсадида паст нархлар белгилади.

Мамлакатимизда янгидан-янги сананоат зоналари, корхоналар қурилатгани, аҳоли сони ортаётгани, янги маҳаллалар ва ёш оилалар қўпаяётгани туфайли энергия ресурсларига эҳтиёж ҳам кун сайин ошмоқда. Бу жараёни чекка ҳудудларда ҳам кузатиш мумкин. Шунини эътиборга олиб, электр энергияси ва табиий газни ишлаб чиқариш ва узлуқсиз етказиб бериш мақсадида нархларга бир оз ўзгариш киритилди.

Ушбу табиий ресурсларнинг ўз таннархидан паст даражада сотилиши хорижий инвесторларнинг соҳадаги ҳамкорлигига тўққонлик қилмоқда. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган электр энергияси ва табиий газни бошқа давлатлардагига нисбатан солиштирилганда ҳам анча ўзгариш борлигини кўрамиз. Масалан, 1 киловатт/соат электр энергияси Россия Федерациясида 378 сўм, Молдовада 860 сўм, Қирғизистонда 350 сўм, Тожикистонда 380 сўм, Қозғистонда 340 сўмни ташкил этади.

Ўз навбатида, 1 минг куб метр табиий

газ Украинада 100-150 доллар, Россия Федерациясида 80-100 доллар, Беларусда 90-110 доллар, Қозғистонда 80-90 доллар, Қирғизистонда 214 долларга тенгдир. Ўзбекистонда бу нарх 37,7 долларни ташкил этади.

Камолитдин УСМОНОВ,
«Ўзбекнефтегаз» акциядорлик жамияти департаменти бошлиғи:
– Бугунги кунда мамлакатимизда 3,5 миллиондан ортиқ (йиллик эҳтиёжи 10 миллиард куб метр) аҳоли хонадонлари ва 84 мингдан (йиллик эҳтиёжи 30 миллиард куб метр) ортиқ улгуржи истеъмолчилар табиий газ билан таъминланмоқда.

Ўтган йили 150 мингга аҳоли хонадонини ва 20 мингдан ортиқ улгуржи истеъмолчи, шунингдек, ҳудудларда ташкил қилинган эркин сананоат ва кичик сананоат зоналарида ташкил қилинган тадбиркорлик субъектлари табиий газ тармоқларига уланди. Уларнинг эҳтиёжлари эса йил сайин ортиб бормоқда. Шу билан бирга, республикамиздаги табиий газ қазиб олувчи, қайта ишловчи ва тақсимловчи корхоналар тизимидаги асбоб-ускуналар, 13 минг километрдан ортиқ магистрал газ қувурлари ва бошқа зурур техника воситалари эскирган. Бу эса улардаги йўқотишлар миқдорининг ошиши ва қувватларнинг етарлича таллабни қондира олмаслигига олиб келди.

Шу туфайли мазкур корхоналардаги техникалар ва асбоб-ускуналарни замонавийлаштиришга маблағни, аввало, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархидан ортиқ сотиш ва фойда кўриш ҳисобидан ажратиш мумкин.

Ў.А. МУХБИРИ
А. МУСАЕВ
ёзиб олди.

Давлат харажатларини қисқартириш ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг янги имкониятларини юзага келтиради

Бундан ташқари, «Худудий электр тармоқлари» АЖ аҳолига АСКУЭ, яъни электрон ҳисоблагичларни бепул ўрнатиб бериш вазифасини ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бу ҳам қўшимча харажат, оддий қилиб айтганда, моддий зарар. Рақамларга мурожаат қилсақ, ҳар бир шундай ҳисоблагич ўрнатиш нархи билан ўртача 770 минг сўмга тушмоқда.

Айни пайтда муқобил энергиядан (қуёш, шамол ва ҳоказо) фойдаланишнинг ҳам ўзига хос муаммолари бор. Улар сарфланган маблағни қоплаши учун узоқ вақт талаб қилинади. Ваҳоланки, ҳар қандай инвестор имкон қадар тезроқ фойда олишни ўйлайди. Масалан, мутахассислар шамол ёки қуёш электр станцияси ишлаб чиқарган 1 киловатт энергия нархи 6 центгача етишини таъкидлайди. Станциянинг ўзини қоплаш муддатини узайтириш орқали бу кўрсаткични камайтириш мумкин, лекин ҳеч бир инвестор бунга рози бўлмайди.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, электр энергияси тарифларини оптималлаштириш кўзда тутилмоқда. Модомки, истеъмол кун сайин ортар экан, давлат кўраётган зарар ҳам кўпаяверади. Вақти келиб, бутун тизим таназзулга учраши ҳам тайин.

Демак, тизимда рентабелликни ошириш учун унга бозор муносабатларини жорий этишнинг иложи йўқ.

Табиийки, нарх ошиши ҳеч кимга ёқмайди. Лекин янги ўзгаришнинг аҳамияти томони шуки, нархдаги фарқ унчалик кўп бўлмайди. 1 киловатт/соат энергия нархи 295 сўмга чиқарилади, яъни бор-йўғи 45 сўмга оширилади. Энди бир оила ойига ўртача 150 киловатт энергия сарфлашини инобатга олсак, қўшимча тўлов атиги 6800 сўмни ташкил қилади. Бу бир-икки литр салқинлатувчи ичимлик ёки интернетдан битта клип юклаб олиш нархига тенг.

Нарх ошгани унчалик оғир эмас. Лекин тўлов юқини янада енгиллаштириш мумкин – тежамкор чироқлар ўрнатиш, чойни «Термос»да эмас, газда қайнатиш, кир ювиш машинасини тўла қувват билан ишлатиш, оқшом кондиционерни ўчириб қўйиш ва ҳоказо.

Нарх ошмаса, ҳаёт қанчалик енгил бўлиши ҳақида истаганча гапириб бўлади. Лекин шу тарзда давом этверсак, оқибат нималарга олиб келишини ҳам ўйлаб кўриш вақти келди. Келажак авлод бизни кечиради-микан?

Электр энергияси соҳасига «ижтимоий мейёр» ти-

зимини жорий этиш ҳам кўзда тутилмоқда. Яъни, айтайлик, бир оилани ойлик эҳтиёжи 250 киловатт деб белгиланади ва бу миқдор ошиб кетмаган тақдирда, тўлов белгиланган нархда амалга оширилади. Аксинча эса, қўшимча тариф қўлланилади. Бу истеъмолчиларни тежамкорликка қўрқолаб, беҳуда энергия сарфлаш ҳолатларига барҳам берилишини таъминлайди.

Шундай қилиб, тарифларнинг оптималлаштирилиши энергия таъминоти барқарорлигини сақлашга хизмат қилади. Чунки, аввало, соҳага инвестициялар жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш имкониятлари вуҷудга келади. Шу тариқа электр энергиясини ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи корхоналар банкротликка учрашининг олди олинади.

Бинобарин, давлатнинг энергетик дотацияга ажратётган ресурслари қисқаради ва уларни боғча, мактаб, шифохона ва бошқа ижтимоий объект ва лойиҳаларга, иқтисодиётнинг устувор тармоқларига йўналтириш имкониятлари кучаяди.

Обиджон ДИЛМУРОДОВ,
«Худудий электр тармоқлари» АЖ мутахассиси
Ў.А.



Наманган вилояти

Очиқ мулоқот

Наманган вилояти касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмасида Энергетика ходимлари касабаси уюшмаси тармоғи ёш ходимлари билан очиқ мулоқот ўтказилди. Унда ёшлар манфаати йўлида амалга оширилаётган ишлар ва бу имтиёزلарнинг ҳаётда нечоғлик акс этаётгани ҳақида сўз борди.

МАЖБУРИЙ МЕХНАТ ВА ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ

Ёш энергетиклар анжуманида кенг муҳокама этилди

Ёш энергетиклар касабаси уюшмаси ва унинг атрофидаги масалалар бўйича ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Жумладан, мажбурий меҳнат хусусида.

– Аввало, қандай шароит ва асосдаги меҳнатимиз мажбурий меҳнат бўлишини ажратиб олишимиз керак, – деди меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш бўлими мудири Анвар Дўлмонов. – Бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали иш бажартириш мажбурий меҳнат ҳисобланса, ҳарбий ёки муқобил хизмат тўғрисидаги қонунлар асосида; фавқулодда ҳолат юз берган шароитларда; суднинг қонуний қучга кирган ҳукмига биноан; қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда бажарилиши лозим бўлган ишлар бу тоифага кирмайди. Масалан, бир йилда икки ёки уч бора юртимиз бўйлаб ҳайрия, экологик ҳашарлар ўтказилади. Унда юртдошларимизнинг аксарият қисми ўз ҳиссасини қўшади: кўчалар сунпурилиб, ариқлар тозаланиб, чиқиндилар ташиб чиқарилади. Бу тарздаги меҳнатда мажбурийлик элменти йўқ. Бироқ меҳнат шартномасида ўқувчига дарс бериши ёки беморни даволаши кўрсатилган, иш ҳақи айни шу учун бериладиган ходимни тазйиқ остида ёки мавқедадан фойдаланиб, бошқа ишни қилишга йўналтириш мумкин эмас.

Айни кунларда «Касабаси уюшмалари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кенг муҳокама қилинмоқда. У «Касабаси уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг қандай фарқли хусусиятларига эга?

– Замон ривожлангани сари ижтимоий шарт-шароит ҳам ўзгариб бораверади, – деди бу саволга жавобан бирлашма юридик бўлими мудири Баҳром Раҳимбер-

диев. – Қонунчиликда ҳам шундай. Амалдаги қонуннинг таҳлили мамлакатни модернизация қилиш жараёнида замонавий бозор муҳитида юзага келаётган муносабатлар тартибга солинмаганини кўрсатмоқда. Нодавлат но-тижорат ташкилотлари фаолиятини тартибга солишчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тақомиллаштириш асосида фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг иқтисодий асосларини мустақамлаш ва имтиёزلарни кенгайтиришга қаратилган ишчи-ислохотларнинг рўйбериш мажбурий натижасида амалдаги қонунларда номувофиқлик юзага келмоқда, қолаверса, касабаси уюшмалари фаолиятининг меҳнат-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий асослари тўлиқ қамраб олинмаган. Янги қонун лойиҳасида касабаси уюшмаларида инспекциялар фаолиятини ташкил этилиши ҳам олға сурилмоқда.

Ёш ходимлар нафақат ўз корхоналари мисолида, балки меҳнат билан боғлиқ бошқа масалаларда ҳам бирлашма мутахассисларидан батафсил жавоб ва тушунтириш олишди.

Хусусан, «ТЕМП – 2019» Халқаро касабаси уюшмалари Форуми натижалари, унда иштирок этиш шартлари ҳақида билдирилган қизиқларга бирлашма расисининг Ёшлар масалалари бўйича фаолиятлари, хорижга қилинган хизмат сафарлари мисолида кенг тушунтириш беришди.

Бу каби очиқ мулоқотлар вилоятнинг ҳар бир туманида, касабаси уюшма бошланғич ташкилотларида ҳам давом эттирилади.

Дилнора РАҲМОНОВА,
«ISHONCH»



Самарқанд вилояти

Касабаси уюшмаси аралашгач...

Пастдарғом туманининг «Боғишамол» маҳалласида яшовчи Муяссар Каттақулова ўз қонуний ҳақ-ҳуқуқ юзасидан касабаси уюшмаларига мурожаат қилди.

Маълум бўлишича, у бола парварлиги таътилидан сўнг ўз иш ўрнига қайта олинмаган.


Ходим ўз ишига қайтди

Муяссар Каттақулова 2017 йил июль ойидан ҳомиладорлик таътилига чиққан. Фарзанди икки ёшга тўлган, ишга қайтиши керак эди. Бироқ унга тегишли вазифани бошқа шахс эгаллаб тургани боис, маъмурият бўш жой йўқлиги учун уни иш билан таъминлай олмаслигини билдирган.

Туман тиббиёт бирлашмаси мутасаддилари билан мазкур ҳолат муҳокама этилди. Маълум бўлдики, ТТБ кадрлар бўлимидаги ҳужжатлаштиришдаги чалкашликлар туфайли шундай вазият юзага келган. Урганиш мобайнида, аризагининг қонуний ҳуқуқи, иш берувчининг мажбуриятларини ётиғи билан тушунтиришга тўғри келди.

ТТБ маъмурияти ўзи йўл қўйган камчиликни бартараф этди. Ходим аввалги ишлаган лавозимида фаолиятини давом эттирмоқда.

Улғубек ҒАНИЕВ,
Самарқанд вилояти касабаси уюшмаси бирлашмаси юридик бўлими мудири



Жиззах вилояти

Мана, бир неча ойдирки, Зомин туманидаги «Навойи кон-металлургия комбинати» тегишли санаторийда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси ҳамда комбинат маъмурияти ташаббуси билан мамлакатимиз равнақи йўлида хизмат қилган меҳнат фахрийлари, фан ва маданият ходимлари, ёзувчи ва шоирлар дам олиб, ҳордиқ чиқаряптилар.

Жиззах вилояти ҳокимлиги, вилоят касабаси уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ва бир қатор ҳамкор ташкилотлар ҳамкорлигида ажойиб тадбир ўтказилди.

«Янгиланаётган Ўзбекистон!» шиори остида ўтган давра суҳбатида таниқли олимлар, шоир ва ёзувчилар ўзларининг фикрларини билдирдилар.

– Мен юртимизнинг барча жойларида бўлганман, кўплаб сўхатларда ҳордиқ чиқарганман, аммо ушбу соғломлаштириш марказидек жойни учратганим йўқ, – дейди «Нуроний» жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими кенгаши раиси Шараф Уснатдинов – Бугун мустақилликнинг янги тарихий саҳифалари очилмоқда. Йўл-йўлакай улкан ўзгаришларни кўрдим. Булар мамлакатимизда янги даврнинг бошланганидан дарақдир.



Фахрийлар ардоқда


– Халқимиз учун энг улғу, энг азиз айём, эркин, обод ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидаги барча ютуқ ва муваффақиятларимизнинг асосий манбаи бўлган Ватанимиз мустақиллиги моҳияти ва аҳамиятини англашнинг ўзи бир бахт, – дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Шухрат Жабборов – Зомин туманига келган ҳар бири инсон бу ердаги ўзгаришларни кўриб, кўзи қувнади. «Обод марказ» дастури доирасида бир қатор залворли ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлди. «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла» дастури, аввало, кўнгил ободдигидир.

– Бугун юртимизда эртанги кун, эртанги ҳаёт эгаларига қаратилаётган юксак эътибор,

ғамхўрликни кўриб, уларга ҳавасим келади, – дейди Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир. – Айниқса, Президентимиз илгари сурган беш ташаббуснинг амалга оширилиши ортида инсон қадр-қиммати, шаъни, ғурури мўъжасамдир.

Давра суҳбати давомида Ўзбекистон Қаҳрамони Анорбой Эшматов, шоир Турсунали Ҳасанов, таниқли суҳандон Насиба Қамбаров ва бошқалар мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик, ҳар бир соҳадаги кенг қамровли ислохотлар, халқимизнинг турмуш маданиятини юксалтиришга қаратилаётганини фахр билан тилга олишди.

Тўлқин ЭШБЕК



Давра суҳбати



Қорақалпоғистон Республикаси

Таассуротга бой лаҳзалар

Тахياتош тумани халқ таълими бўлими тасарруфидаги «Айдин жол» болалар оромгоҳида Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус ижросига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда Хўжайли тумани мудофаа ишлари бўлими, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, Республика маънавият ва маърифат маркази Тахياتош тумани бўлими ходимлари иштирок этди.

– Маънавий-маърифий соҳаларга оид бешта муҳим ташаббусни ёшлар орасида тарғиб қилишга алоҳида эътибор берилмоқда, – деди Хўжайли тумани мудофаа ишлари бўлими ходими Ўсербой Нуржанов. – Ташаббус мазмун-маънавиятини аниқ машғуллар асосида болаларга тушунтириб бораёмиз.

Оромгоҳда дам олаётган болалар ўртасида спортнинг масофага югуриш ва махсус белгиланган ўринда спорт милтигидан нишонга отиш мусобақалари ўтказилди.

Маскан кутубхонасида китобсевар ўғил-қизлар билан учрашув ташкил этилиб, «Ёш китобхон» тўрағи фаолияти билан танишилди. Дам олувчилар орасида «Энг фаол китобхон» мавзусида уюшти-

рилган тадбир ғолиблари махсус совғалар билан тақдирланди.

– Ҳар навбатда 125, мавсум давомида эса 625 нафар болани соғломлаштириш имкониятига эга муассасамизда барча шарт-шароит яратилган, – деди оромгоҳ директори Бекмурод Жуманазаров. – Болажонларга нафақат тарбиячи-мураббий, балки ота-она каби яқин сирдош, меҳрибон бўлишга ҳаракат қилияёмиз.

Оромгоҳда ўн иккита тўгарак фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, бири-биридан қизиқарли кечалар, мусобақа ва тадбирлар болажонларда унутилмас таассурот қолдираётди.

Ортиқбой МАМУТОВ,
«ISHONCH»



Бухоро вилояти



Ҳаммаси болажонлар учун

– «Аланга» гуруҳи, сафлан!.. Оромгоҳ шиори...

– Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!

– Олқишла-а-ар...

Бу – Бухоро шаҳридаги «Нефтич» болалар оромгоҳида учинчи мавсумнинг очилишига бағишланган тантанали тадбирдан кичик лаҳза. Унда дам олувчи ўғил-қизлар ва уларнинг ота-оналари, жамоат ташкилотлари вакиллари

қатнашди. Дастлаб гуруҳларга бўлинган болалар саф тортди, ўз етакчиларига ҳисобот берди. Сўнг ёш ракетамоделчилар ясаган ракетага ўқирди. Болажонлар ижросидаги куй-қўшиқлар, қувноқ рақслар тадбирга ўзгача жозоба бағишлади. Таомилга кўра, тантанали маросим асноси катта майдонда гулхан ёқилди.

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи хомийлигидаги маскан тўрт навбат да-

вомида болажонлар ихтиёрида бўлади. У ерда йирик корхона ишчи-ходимларининг фарзандлари, шунингдек, Меҳрибонлик уйининг қирқ нафар тарбияланувчиси, кўзи ожиз фуқароларнинг болалари – жами мингга яқин ўғил-қиз ёзи таътилни мароқли ўтказиши кўзда тутилган.

Қарийб олти гектар ҳудудни эгаллаган масканда «Компьютер саводхонлиги», «Моҳир қўллар», «Ёш китобхон», футбол, ракетамоделчилик, шахмат ва шашка тўгараклари фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, болаларга инглиз ҳамда корейс тилларидан сабоқ бериляпти. Уч мингга китоб фондига эга кутубхона ҳамма болалар билан гавжум.

– Завод ҳамда унинг бошланғич касабаси уюшма кўмитаси кўмагида бу йил оромгоҳ ҳудудида бир йўла уч объект қайта таъмирланди, – дейди маскан раҳбари Жонибек Зиёев. – Табиий ва сунъий қопламали янги мини-футбол майдонларида ўйнаётган, сузиш ҳавзасида яйраб чўмилаётган болажонларнинг қувончини кўриб, беихтиёр завқ-шавқ оғушида қоласиз.

Айни пайтда болаларга бош-қош бўлаётган 21 нафар педагог ходим етакчилик ва тарбиячилик қилаётган оромгоҳ август ойида ҳам фаолият юритади.

Рустам ИБРОҲИМОВ,
«ISHONCH»


ҚИЗЛАР ҲАМ БОР

Бундай дорилар таъсирига назоратсиз ёки ота-онасининг меҳри ва эътиборидан йироқ, айрим ҳолларда хорижга ишлашга кетган инсонларнинг боласи тушиб қолмоқда, — дейди Тошкент шаҳар наркологи...

дори воситалари (эпилепсияга қарши ишлатиладиган препаратлар), шунингдек, «Залеплон» уйқу дорисининг аналогли «Анданте»...

Жўнатмалар орасидаги «OFU» Ички ишлар вазирлигининг Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар

ривожлантириш мақсадида эълон қилинган мораторий сабаб, ўтган давр мобайнида дорихоналар деярли назоратдан озод қилинди.



рилар назорати билан дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилишни лицензияловчи органларнинг ишчи органлари ҳисобланган Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва шаҳар бошқармалари шуғулланиши кўрсатилган.

Фарғона вилояти Фарғона вилояти ҳоқимлиги эътиборига!

«Ishonch» газетасининг шу йил 4 июлдаги сониди «Ўғай» боғча» сарлавҳали мақола чоп этилган ва унда Данғара туманидаги 15-МТМнинг «Катта амиробод» МФЙ ҳудудида жойлашган филиали ночор аҳволга тушиб қолгани, мутасаддилар ушбу боғча фаолиятини тўхтатиб, унинг ўрнида нодавлат мактабга таълим муассасаси қурилишини режалаштираётгани, бу эса уч минг нафардан зиёд маҳалла аҳлининг эътирозига сабаб бўлаётгани баён этилган эди.

«Ўғай» боғча энди «етим»(ми?)

Мақола чоп этилгач, соҳага дахлдор мутасаддилар 6 июль кунги боғчани тақа-тақ беркитиб, бино тадбиркор ихтиёрига ўтгани, агар ота-оналар хоҳласа, фарзандларини «Ғалаба» МФЙ ҳудудидаги 15-МТМга олиб бориши («Катта амиробод»дан 4-5 км. узоқликда) мумкинлигини билдиришди.



Мавзуга қайтиб...

Боғчасиз қолган қишлоқ аҳлининг мурожаатига жавобан яна «Катта амиробод»да бўлиб, маҳалла аҳли билан суҳбатлашдик. — Боғча ёпилгани қишлоқ аҳли учун «катта йўқотиш» бўлди, — дейди Ойшахон Ҳайитова.

чага олиб борадиган бўлсак, кунига тўрт минг сўм йўлқира тўлашимиз керак. Ҳисоблаб кўрилса, бола боғчага бир ойда 22 кун борса, йўлқиранинг ўзига 88 минг сўм сарфланади. Боғча пули эса 72 минг сўм. Бундан ташқари, ҳамманинг ҳам ҳар куну боғчага икки бор қатнашга вақти йўқ. Шунинг учун қишлоғимизда давлат боғчаси бўлиши шарт.

Боғча ёпилгани боис кун бўйи иш билан банд ота-оналарнинг фарзандлари қаровсиз қолмоқда, — дейди Элбек Ёрматов. — 5 ёшли қизим шу боғчага қатнаш эди. Муассаса уйимизга яқин бўлгани боис, қийналмас эди. Боғчанинг беркилиши эса менга ўхшаган ота-оналарга ортиқча ташвиш бўлди.

Бу мулоҳазаларни баён этиш билан кимдир айболов фикридан йироқимиз. Ниятимиз ҳолис: мутасаддилар. «Катта амиробод»ликларнинг дардига, қўлқоқ тутиб, уларнинг ўрнига ўзларини қўйиб кўриб, уларнинг ҳолатини ҳис қилиб, кўмак беришса, бас!

Дастлаб қишлоғимизда тиббиёт пункти, кейин эса 1-синфдан 4-синфгача болалар ўқийдиган мактаб йўқ бўлди. Энди 50 йилдан бери ишлаб келган боғчани беркитишди. Ҳозир қишлоғимизда бирорта давлат муассасаси қолмади, — дейди Кариммахон Назарматов.

Президентимиз оддий одамларнинг дарад-у ташвиши билан яшаш раҳбар ва мутасаддилар фаолиятининг асосий мезонига айланиши кераклигини бот-бот тақдорламоқда. Шундай экан, соҳага дахлдор мутасаддилар қишлоқ аҳлининг фикрларини инобатга олиб, боғча масаласида яна бир бор ўйлаб кўриб қарор чиқарса, мақсад мувофиқ бўлар эди.

Боғчанинг ёпилиши мен каби ота-оналарга жабр бўлди, — дейди Шерзод Ҳуринов. — Чунки боламизни энг яқин боғ-



Жамшид ЭРГАШЕВ, «Ishonch»

Эълонлар

«ЛИРИКА» куйига «ЎЙНАЁТГАН»лар...

Ёхуд психотроп моддалар «савдоси»дан ким жабр топмоқда, ким эса манфаат...

ЎЗИ БЎЛМАСА, АНАЛОГИ

Бир пайтлар «героин», «қорадори» каби наркотик моддалар олди-сотдиси чекланиб, қора бозордаги фаолиятига чек қўйилгач, уларнинг ўрнига касалликларда кучли оғриқ қолдирувчи модда ҳисобланган «Трамадол» ва «Лирика» препаратлари кириб келди.

бошқармаси берган маълумотларга таянадиган бўлсак, жорий йилнинг ярмида таркибида психотроп ва психофаол дори воситалари бўлган 10 кг. 864 гр. дори препаратлари ушланиб, уларнинг ноқонуний савдосига барҳам берилди.

ҲУҚУҚИЙ АСОГА КИРИТИЛГАН ЯНГИЛИК НИМАНИ ЎЗГАРТИРАДИ?

Жорий йилнинг 2 июлида юзага келган вазиятни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 185-сонли қарори билан тасдиқланган «Дори воситаларини ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш тартиби тўғрисида»ги Низомга айрим қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги 549-сонли ҳукумат қарори эълон қилинди.

МОРАТОРИЙ ЯХШИ МАҚСАДНИ КЎЗЛАГАН ЭДИ...

2018 йилдан 2020 йилгача хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳисобланган дорихоналарнинг фаолиятига аралашини маън қилиши, улар фаолиятини янада

ний ишларга чек қўйиш мақсадида қора бозордаги савдоларга қарши қонун доирасида текширув рейдлари кўпайтирилмоқда. Мисол учун бундан бир йилча муқаддам Тошкент шаҳридаги психотроп дорилар сотиш бўйича иккита йирик ўчоқ — «Шухрат» ва «Гранд Мир Hotel» меҳмонхона-наси яқинида жойлашган дорихоналардаги «рецептсиз савдо»лар фаолиятига барҳам берилди.

ЗЕБО НАМОЗОВА, «Ishonch»

Ушбу қарорга асосан фармацевтикада электрон рецепт

МЧЖ шаклидаги «Кўп тармоқли ихтисослаштирилган аукцион савдо» (КТИАС) аукцион савдоларини ташкил қилиш қорҳонаси бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ кимовшди савдосига таклиф этади!

Кимовшди савдоларига Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 36-уй манзилида жойлашган «Паррандасаноат» уюшмасига қарашли бўлган куйидаги автотранспорт воситалари такроран, нархи пасайтирилган ҳолда қўйилмоқда:

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада ўтказиладиган. Мазкур автотранспорт воситалари 2019 йил 20 август кунги аукцион савдо-дотларида сотилмай қолган тақдирда эълонда кўрсатилган кейинги белгиланган савдо кунларида ўтказилишини маълум қиламиз.

«Best realtor» МЧЖнинг Фарғона минтақавий филиали бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Advertisement for O'zbekiston kasaba uyushmalar Federatsiyasi with logo and contact information.

Advertisement for Xusan ERMATOV, Head Editor, with contact details and website information.

Advertisement for Manzilimiz, a real estate agency, listing various services and contact numbers.

Advertisement for Xududlardagi muhbirilar, listing contact information for various regions.

Advertisement for Navbatchi muhbirilar, listing contact information for various regions.